СОЛИҚҚА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТАКТИК ЖИҲАТЛАРИ

Бекназов Шаҳриёр Бобур ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
Тергов фаолияти магистратура тингловчиси

Аннотация. *Солиқ соҳасидаги жиноятлар солиқларни бюджетларга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишига тўсқинлик қилади. Бу эса ўз-ўзидан давлат иқтисодининг нормал ишлашига таъсирини кўрсатиб, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишига, давлат ижтимоий-иқтисодий дастурларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилади.*

Таянч сўзлар. *Солиқ, солиқдан бўйин товлаш, солиқдан қочиш, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, солиққа оид ҳуқуқбузарлик.*

Мамлакатимизда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, халқаро экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган турли сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказибгина қолмай, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага чиқармоқда.

Шунингдек, яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида: Жумладан, бу борада халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида 100 га яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, соҳада мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база шакллантирилди. Шунингдек, 20 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий чоралар кўрилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 345-моддаси қоидаларига асосан, солиқ ёки бошқа йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилиш прокуратура органларининг терговчилари томонидан амалга оширилиши белгиланган[1].

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармонида қайд этилишича, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти банк-молия ва солиқ қонунчилигига риоя этиш, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, бюджет қоидалари, шунингдек, бюджет ва смета-штат интизомига риоя этиш соҳасидаги иқтисодий жиноятлар ва коррупция ҳолатларини аниқлаб уларга чек қўйиш билан бирга, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг бузилиши ёхуд уларнинг

[1] Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси/Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон)

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларга алоқадорлиги аниқланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг телекоммуникация воситалари ва компьютер маълумотлар базаларига кириш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ҳужжатлари билан танишиш каби вазифа ва функцияларини амалга оширади[2].

Барчага маълумки, тергов ишларининг сифатини янада ошириш ва жиноятларни тез ва тўлиқ очиш вазифалари криминалистик техника ва тактикага ҳамда солиққа оид жиноятларнинг тергов методикасига оид назарий билимларни, шу билан бир қаторда криминалистикага оид кўпгина масалаларни ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган даражада қайтадан ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тергов тактикаси деганда жиноятни очиш, жиноятчини фош қилиш, жиноий иш юзасидан, унинг ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив тугалланишини кўзда тутиб, тергов ҳаракати жараёнида қўлланиладиган тактикани тушуниш мумкин.

Техник воситалар билан бир қаторда психология ҳам тергов олиб боришда, унинг муваффақиятли тугалланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Айбланувчини сўроқ қилишнинг тактик томони: сўроққа тайёргарлик кўриш, айбланувчининг шахсини ўрганиш, қандай саволлар бериш ва уларни тузиб чиқиш, далилий ашёларни кўрсатишда нималарни, қачон ва қайси тартибда кўрсатишни ўз ичига олиб, бу усуллар жиноят-процессуал қонунчиликка риоя қилинган ҳолда айбланувчидан тўғри кўрсатув олишга қаратилиши лозим.

Аввалambор, тактик усулларни сўроқ қилишда қўллашдан олдин терговчи бу усулларни ўзи тўлиқ билиши, шу билан бир қаторда шахснинг психологиясини билиши ва бу усуллардан қайси бирини бўлиб қўллаш маъқуллигини ҳал қилиб олиши керак.

Хусусан, тергов тактикасида мантиқдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Солиққа оид жиноятлар соҳасидаги кўп йиллик тергов тажрибаси шуни кўрсатадики, терговни режалаштириш, версияларни илгари суриш ва уларни текшириш режалаштиришнинг асосини ташкил қилади. Тергов ҳаракатлари бўйича версияларни илгари суриш ва уни текшириш билан бир қаторда терговнинг тўлиқ режасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, терговни режасиз олиб бориш мумкин эмас.

Тергов режаси маълум босқичларга бўлинган ҳолда тузилиши ва тергов ҳараракатлари шу босқичларга асосланиб олиб борилиши лозим. дастлабки тузилган тергов режасида бажарилиши лозим бўлган барча тергов ҳаракатларининг кўзда тутилиши мушкул бўлиб, бунда тергов процесси давомида янада янги версиялар вужудга келиши ва бу версияларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилиши ҳам мумкин.

Умуман олганда тергов ҳаракатларини режалаштириш мазмунига қуйидагиларни киритиш мумкин:

А) ҳар бир конкрет ҳолатда терговни мақсадга мувофиқ олиб бориш учун терговнинг предметини аниқлаш;

Б) тергов вазифасини бажариш мақсадида версияларни ишлаб чиқиш;

В) версияларни текширишни ташкил этиш;

Г) иш бўйича терговчининг барча ҳаракатларини ташкил этиш, жумладан, тергов ҳаракатининг предметини, конкрет вазифаларини аниқлаш.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармони/Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон)

Хусусан, конкрет ишларни режалаштиришга қуйидагилар кириши мумкин:

А) текширилиши лозим бўлган версияларнинг сони;

Б) яхши ва пухта ўйлаб чиқилган ва аниқланиши лозим бўлган саволлар;

В) яхши ўйланган, деталли ишлаб чиқилган тергов ҳаракатларида аниқланиши лозим бўлган саволларни амалга ошириш учун белгиларнинг сони;

Г) назарда тутилган тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун кетадиган вақт;

Д) тергов ҳаракатларининг амалга оширилганлигини қайд қилиб бориш ва ҳоказолар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, амалиётда солиққа оид жиноятларни тергов қилишнинг аниқ методикаси ишлаб чиқилмаган ва малакали кадрларнинг етишмочилиги кузатилмоқда. Чунки, солиқ ва бошқа йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилаётган терговчи нафақат жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини, балки, солиқ, фуқаролик ҳамда фуқаролик процессуал қонунчиликни ҳам мукаммал билиши талаб этилади.

References

1. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й., 377-бет.

2. Ивлиева М.Ф. Налогооблажение производственных кооперативов. Правовые вопросы: Дисс.канд.юрид.наук. – М., 1991. С.37.

3. Маҳкамов.О. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Докторлик диссертацияси – Т., 2015 – 22- б.

4. Александров И.В. Налоговые преступления: Криминалистические проблемы расследования. СПб., 2002. – С 34,37.

5. Брызгалин А.В., Верник В.Р., Головкин А.Н. Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации, арбитражная практика // Налоги и финансовое право. – М., 2002. №6. – С.45.

6. Lydia Ginzburg’s. Alternative Literary Identities / Ed. by Emily Van Buskirk and Andrei Zorin. Oxford: Peter Lang, 2012.

7. Ubaydullaev Sardor. Conceptual fundamentals of tax revenue in the system of tax relations. Journal of innovations in economy. 2021. Vol. 4, Issue 11. pp.80-87

8. Narzullayevna, S. N., & Odina, B. Linguistic skills such as familiarity with grammatical structures, vocabulary, and phonetics. *Sciencepublish. org*, 41.

9. Fayzullayeva, M. B. (2021). USING TECHNOLOGIES IN THE ENGLISH LANGUAGE LEARNING AND TEACHING. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, *2*(5), 1-5.

10. qizi Abduraximova, F. K. (2023). INGLIZ TILINI O ‘QITISHDA MAQOLLARNING ROLI. *SCHOLAR*, *1*(12), 123-127.